

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

383 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2262

(2011 йил 19 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) ва «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 9-сон, 480-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 9 август,
47-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 9 август,
2011-25-сон

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 9 август,
23/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил
9 августдаги 47, 2011-25 ва 23/2-сонли
қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва
юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари
бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) ва «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 9-сон, 480-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг

пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси деб юритилади) харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, имтиёзлар, ягона ижтимоий тўловни, шунингдек фуқароларнинг суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

2. Ягона ижтимоий тўловни ва фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкалари, шунингдек ягона ижтимоий тўловнинг Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

3. Доимий равишда хорижда истиқомат қилувчи ва ташкилотларда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишловчи хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даромадларидан (иш ҳақларидан) ягона ижтимоий тўлов ва давлат ижтимоий суғуртасига оид мажбурий суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

II. Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш

4. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш тўловчи томонидан ҳисобот ойи учун ҳисобланган иш ҳақи фонди ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан бола туғилиши муносабати билан, дафнга нафақалар тўланиши (кейинги ўринларда — нафақалар деб юритилади), уй-жой-коммунал хизматлари бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари (кейинги ўринларда — компенсациялар деб юритилади), ишловчи пенсионерларга пенсия-

лар (кейинги ўринларда — пенсиялар деб юритилади), 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига кўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларнинг тутиб турилишига бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

5. Ягона ижтимоий тўловни тўлаш учун маблағлар тўловчилар томонидан тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи банкларда очилган 20205 баланс ҳисобварақларининг 777 шартли ҳисобварақлар рақамига (кейинги ўринларда — ШХР деб юритилади) ўтказилади.

6. Кун давомида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари учун очилган 20205 баланс ҳисобварақларининг 777 ШХРга келиб тушган маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ҳар иш куни якунида қонунчиликда белгиланган миқдорларда автоматик тарзда қуйидаги тартибда ажратма қилинади:

а) Пенсия жамғармасига — Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармаларида очилган Пенсия жамғармасининг 20205 баланс ҳисобварақларининг 881 ШХРга тўлиқ миқдорда ўтказилиши шарт, кейинчалик у ердан Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб Касса Марказида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги учун очилган Пенсия жамғармаси маблағлари бўйича ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг 20205 баланс ҳисобварақларининг 779 ШХРга ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишидаги тегишли 20205 баланс ҳисобварақларининг 779 ШХРга келиб тушган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан тўлов топшириқномаси асосида Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари Ҳисоб-китоб Касса Марказида Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси учун очилган 21508 ҳудудий ғазначилик баланс ҳисобварақларига ўтказилади ҳамда қуйидаги тартибда фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг 21508 ҳудудий ғазначилик баланс ҳисобварақларига ўтказилган жами маблағларнинг 70 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари тасарруфида қолади;

30 фоизи ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг тўлов топшириқномалари орқали пул ўтказиш йўли билан республика даражасида марказлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги келиб тушган маблағларни қонун ҳужжатларга мувофиқ белги-ланган тартибда сарфлайди;

в) касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларига — 20205 баланс ҳисоб-варақларининг 780 ШХРга ўтказилади.

Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари тегишли 20205 баланс ҳисоб-варақларининг 780 ШХРга келиб тушган ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишидаги маблағлардан қуйидаги тартибда фойдаланадилар:

келиб тушган маблағлар умумий миқдоридан 20 фоизи касаба уюшма-лари ҳудудий бирлашмаларининг тўлов топшириқномаларига асосан Ўзбе-кистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 20205 баланс ҳисоб-варақига, маблағларнинг кейинчалик белгиланган тартибда сарфланиши учун ўтказилади;

касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари келиб тушган маблағлар умумий миқдоридан 80 фоизини касаба уюшмалари ҳудудий бирлашма-ларининг 20205 баланс ҳисобварақларига ҳудудий касаба уюшмалари томони-дан тасдиқланган бюджетларига мувофиқ ўтказилади.

Юридик шахсларнинг ходимларидан даволаниш ва дам олишга йўллан-малар учун қисман ундириладиган қиймат хизмат кўрсатувчи банклар то-монидан касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларининг иккиламчи депозит ҳисобварақларига кирим қилинади, келиб тушган маблағлар кейинчалик мазкур кичик бандда белгиланган тартибга мувофиқ тақсимланади.

7. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари хизмат кўрсатувчи банк-лардан ягона ижтимоий тўлов бўйича 20205 баланс ҳисобварақларининг 777 ШХР кўчирмаларини барча иловалари билан бирга оладилар.

Бунда хизмат кўрсатувчи банклар ягона ижтимоий тўлов бўйича 20205 баланс ҳисобварақларининг 777 ШХРдан кўчирмаларнинг электрон файлларини касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлашмаларига хизмат кўрса-тувчи банкларга ҳам юборадилар, касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлаш-малари ўз навбатида, банклар томонидан тақдим этилган кўчирмалар асоси-да касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларига тармоқларга доир тўловчи-лар бўйича ягона ижтимоий тўловнинг бир қисми кўринишида ажратилган маблағларни ажратиб кўрсатган ҳолда тўловчилар билан ҳисоб-китоблари-ни мустақил равишда юритадилар.

III. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш бўйича суммаларни тўлаш тартиби

8. Юридик шахслар томонидан Пенсия жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг (кейинги ўринларда — Қонун деб юритилади) 12-моддаси «б» — «ж» бандлари, 14 ва 15-моддаларига мувофиқ тайинланган пенсия тўловла-

рини қоплаш Қонуннинг 66-моддасининг икки ва учинчи қисмларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда юридик шахслар томонидан Пенсия жамғармасига Қонуннинг 12-моддаси «в» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсиялар учун харажатларни қоплаш 2016 йилнинг 1 январигача амалга оширилади.

9. Юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қопловчи тўловларни кирим қиладилар.

10. Юридик шахслар томонидан Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қопловчи тўловларни ҳисоблаб ёзилиши ҳисобот йили якунига кўра амалга оширилади ва мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига тақдим этилади.

Маблағ тўланиши ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

11. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда, Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ пенсиялар тўлови амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига ишсиз мақомига эга шахсларга муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларнинг қопланишига доир ҳисобланган суммалар бўйича маълумот тақдим этадилар.

Тақдим этилган маълумотнинг кўчирма нусхаси ушбу муддатларда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига тақдим этилади.

12. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Маблағ тўлови ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

13. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатида юз берган ногиронлик бўйича пенсияларни тайинлай туриб, пенсияларни тўлаш амалга оширилган ойдан кейинги ҳар бир ойнинг 5-санасига қадар бу каби пенсияларни олувчилар рўйхатини, пенсионерларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, пенсиялар миқдори, уларнинг айби билан меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари юз берган корхоналар, ташкилотларнинг номлари, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари (СТИР), юридик манзиллари ва банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда тегишли туман

(шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига, уларнинг айби билан меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари юз берган ушбу ташкилотлардан тўланган пенсия суммаларини ундириб олиш учун етказадилар.

14. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш ҳисоб-китоблари туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органига ўсиб борувчи яқун бўйича, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Маблағлар тўлови ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

15. Юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан, ҳар ойда иш берувчининг айби билан юз берган меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида ногиронлик бўйича Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун харажатларни қопловчи маблағларни тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи банкларда очилган 20205 баланс ҳисобварағининг 887 ШХРга ўтказадилар.

16. Кун давомида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари учун очилган 20205 баланс ҳисобварақларининг 887 ШХРга келиб тушган маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ҳар иш куни якунида қуйидаги улушларда ажратма қилинади:

85 фоизи 20205 баланс ҳисобварақларининг 692 ШХРга ажратилади, кейин тўлиқ миқдорда Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларида очилган Пенсия жамғармасининг баланс ҳисобварағига ўтказадилар, кейинчалик у ердан Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб Касса Марказида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги учун очилган Пенсия жамғармаси маблағлари бўйича ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади;

15 фоизи туман (шаҳар) Пенсия жамғармаси бўлимлари учун очилган 20205 баланс ҳисобварақларининг 839 ШХРга Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида ногиронлик бўйича пенсия тўловларига харажатларни тўлаш учун тақдим этилган регресс талаблари (даъволари) бўйича иш берувчилар томонидан қопланадиган маблағлардан Пенсия жамғармаси ходимларини ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

17. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари хизмат кўрсатувчи банклардан 20205 баланс ҳисоб рақамининг 887 ШХР бўйича банк кўчирмасини барча иловалари билан олади.

IV. Юридик шахслар томонидан давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириши

18. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахснинг талабнома бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсия, нафақалар, компенсациялар, 16 ёшгача бўлган ногирон боласи бор ота-оналарга кўшимча дам олиш куни учун тўловларини молиялаштиради.

19. Юридик шахслар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига юридик шахслар харажатларини тўлашга Пенсия жамғармасидан маблағларни олиш учун ойлик талабномаларни мазкур Низомнинг 4-илувасидаги шакл бўйича (кейинги ўринларда — талабнома деб юритилади) тақдим этадилар.

Юридик шахсларнинг тақдим этилган талабномаларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича маълум давр учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича ҳисоблаб ёзилган суммалардан ортиқ бўлган харажатлар суммаларини кўрсатишлари тақиқланади.

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари талабномаларнинг тўғри тузилганлигини текширишга мажбурдирлар ва талабномалар суммасини уларга илова қилинган реестрлар билан таққослайди, зарур бўлганда юридик шахслардан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланган бирламчи ҳужжатларни талаб қилади.

20. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан юридик шахслар томонидан (бюджет ташкилотларидан ташқари) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларнинг тўланиши учун келиб тушган маблағларни қирим қилиш учун юридик шахслар, уларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкларда 888 ШХР билан иккиламчи ҳисобварақларни очадилар.

Бунда, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан юридик шахсларнинг, жумладан, давлат бюджетидан дотация олувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақларига келиб тушадиган маблағларга, Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) белгиланган юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларида пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда, уларни ҳисобдан чиқариш тартиби татбиқ этилмайди.

21. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларига Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағлар уларнинг бюджет маблағлари бўйича тегишли депозит ҳисобварақларига ўтказилади.

Ҳазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари бўйича

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларига ўтказадилар.

Бунда, бюджет ташкилотлари бюджет таснифи бўлимлари бўйича алоҳида талабнома тузади ва харажатлар амалга ошириладиган ушбу бўлимларни (депозит ва шахсий) ҳисобварақларини белгилаб кўрсатади.

22. Юридик шахслардан буюртманомаларни олишлари билан Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари белгиланган тартибда юридик шахсларнинг 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақларига ва бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақларига ёки ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақларига юқорида келтириб ўтилган харажатларни тўлаш учун зарур маблағларни ўтказадилар.

Юридик шахслар (бюджет ташкилотлари ҳам) Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳисоблаб ёзилган харажатлар бўйича маблағларни тўлайдилар, банклар эса белгиланган муддатларда берадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун олинган маблағлар қатъий назоратда бўлиши ва фақатгина буюртманомада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. Ҳисоб-китобларда керакли суммаларни атайлаб бузиб кўрсатишга ва улардан мақсадга номувофик фойдаланишга йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлов интизомига риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

23. Юридик шахслар (бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунда ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Юридик шахслар томонидан тўланган суммаларнинг қопланиши Пенсия жамғармасидан олинган маблағлар 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақидан харажатлар уларнинг тўлаб берилган асосий ҳисобварақига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича алоҳида тоифадаги фуқароларга бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловларини ва бир марталик бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақалар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда Пенсия жамғармаси орқали амалга оширилади.

V. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг тўланиши, шунингдек Пенсия жамғармаси маблағларининг сарфланиши ҳисоби, ҳисоботлар ва устидан назорат қилиш

24. Юридик шахслар ягона ижтимоий тўлов тўланиши бўйича ҳисоб-

китобларни ўзлари солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари билан юритадилар.

25. Юридик шахслар (кредит ташкилотлардан ташқари) иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари суммасини ҳисоблаб ёзиш ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни қоплашни белгиланган тартибда амалга оширадилар ва уни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирадилар:

а) иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ҳисоблаб ёзилган ягона ижтимоий тўлов суммалари харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2000, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400) 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади;

б) фуқароларнинг иш ҳақидан ушланган суғурта бадаллари суммалари 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади;

в) тегишли пенсиялар ва нафақаларнинг талаб қилинган суммалари 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади;

г) тегишли маблағ суммаларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан келиб тушиши 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади;

д) ходимларга тегишли пенсиялар ва нафақалар бўйича маблағлар суммаси тўлови пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади.

26. Кредит ташкилотлари (банклар, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари) иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари суммасини ҳисоблаб ёзиш ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни қоплаш белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига асосан ушбу мақсад учун кўзда тутилган тегишли ҳисобварақларда ҳисобини юритади.

27. Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобида ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилиши ва ўтказилиши, шунингдек Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан нафақалар, пенсиялар, компенсациялар, ходимлар иш ҳақи тарзидаги даромадларидан ушлаб қолинадиган мажбурий суғурта бадаллар тўловларининг акс эттирилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Юридик шахслар ҳар чоракда молиявий бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш муддатларида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига маблағларнинг Пенсия жамғармаси ҳисобидан сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботларни ўсиб боровчи яқун асосида, мазкур Низомнинг 5-илоvasидаги шакл бўйича тақдим этишлари ва бир вақтнинг ўзида мазкур Низом-

нинг 6-иловасидаги шакл бўйича солиштирма далолатномасини тузган ҳолда ҳисоб-китобларни солиштиришни амалга оширишлари лозим.

29. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ҳамда Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари белгиланган тартибда ҳар ойлик ва чораклик асосда ўзларининг тегишли юқори органларига йиғма ҳисоб-китоблар (ойлик) ва ҳисоботларни (чораклик) тақдим этадилар.

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига:

келиб тушган мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар, шунингдек мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг турлари бўйича қарздорлик тўғрисида тезкор ҳисобот — ҳар ойда кейинги ҳисобот ойнанинг 10-санасига қадар;

мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ҳисобот — юридик шахсларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари топширилгандан сўнг 15 кун ичида тақдим этади.

31. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари, Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ва тижорат банкларининг филиаллари ҳар ой Пенсия жамғармасига келиб тушган маблағ турлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 8-санасига қадар солиштиришни амалга оширадилар.

Солиштириш натижалари ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига тўловлари бўйича ҳақиқий тушум миқдори тўғрисидаги солиштирма далолатномада уч нусхада расмийлаштирилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида, хизмат кўрсатувчи тижорат банк филиалида ва Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимида солиштирма далолатномаси бир нусхадан қолдирилади.

Солиштирма далолатномаси нусхалари ўз навбатида Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармаларига, ҳудудлардаги давлат солиқ бошқармаларига ва Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаларига келгуси кундан кеч қолмаган ҳолда етказиб берилади.

32. Ҳудудий давлат солиқ бошқармалари, Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ва Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари ҳар ой Пенсия жамғармасига келиб тушган маблағ турлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар солиштиришни амалга оширадилар.

Солиштириш натижалари ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига тўловлари бўйича ҳақиқий тушум миқдори тўғрисидаги солиштирма далолатномада уч нусхада расмийлаштирилади.

Ҳудудий давлат солиқ бошқармасида, Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармасида ва Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармасида солиштирма далолатномасининг бир нусхаси қолдирилади.

Солиштирма далолатномаси нусхалари ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, Давлат солиқ қўмитасига ҳамда Пенсия жамғар-

маси ижро этувчи аппаратига келгуси кундан кечиктирилмасдан етказиб берилади.

33. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига тўловлар бўйича ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар ўсиб боровчи яқун билан солиштирма далолатномалар тузадилар.

Солиштирма далолатномалар бир нухадан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадаллари ва бошқа тўловлар бўйича маълумотларни Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратига тақдим этади.

34. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари филиаллари тушумларни ўз вақтида Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармаларида очилган Пенсия жамғармасининг транзит ҳисобварақларига ўтказилиши бўйича жавоб берадилар.

35. Тижорат банклари томонидан тушумларни ўз вақтида Пенсия жамғармаси транзит ҳисобварақларига ўтказилиши бўйича назорат Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан тушумларни ўз вақтида тегишли транзит ҳисобварақларига ўтказилмаган ҳолатлар аниқланганда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилади.

36. Ягона ижтимоий тўловдан бир қисми кўринишидаги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ажратмалар бўйича солиштирма далолатномалар тузиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланади.

37. Ягона ижтимоий тўловдан бир қисми кўринишидаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ажратмалар бўйича солиштирма далолатномалар тузиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

38. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тушган маблағлар ва давлат ижтимоий суғуртаси харajatлари тўғрисида йиғма ҳисобот тақдим этадилар.

39. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов ва давлат ижтимоий суғуртасига суғурта бадаллари

харажатларига тааллуқли қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

40. Юридик шахслар томонидан Пенсия жамғармасига амалга оширилган ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллар ҳамда Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш бўйича суммалар ҳисоб-китобларининг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловлар ва суғурта бадаллари бўйича харажатларни ҳисоблаш тартиби ва тўлов муддатларини бузганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллайдилар.

41. Пенсия, нафақа ва компенсациялар тўлови харажатлари, шунингдек юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларини ўз вақтида молиялаштирилиши устидан мониторинг Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

VI. Яқуний қоида

42. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАЙТОВ

2011 йил 9 август

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НОРБОЕВА

2011 йил 9 август

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик шахслар-
нинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатла-
ри бўйича тўловларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТИР 0 1 - варақХужжат тури / Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти
тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича
маблағ тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг _____
тўлиқ номи _____Ишловчилар сони Киши Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси

Юридик манзили _____

Почта манзили _____

Юқори ташкилот _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк реквизитлари _____

(код) Телефон: рақами Ўлчов бирлиги СўмҲисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади

(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу ҳисоб-китоб
СТИР <input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо _____	
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта
СТИР <input type="text"/>	орқали орқали
Ф.И.Ш. _____	<input type="text"/> варақда тақдим этилди
Имзо _____	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Сана <input type="text"/>	этилган сана _____
(кун/ой/йил)	Ф.И.Ш. _____
	Имзо _____

М.Ў.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

0	2
---	---

 - варақ

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича ҲИСОБ-КИТОБ*

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Йиллик сумма
Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларида назарда тутилган ишчи ўринлари сони	010	Бирлик	
Олдинги йилдаги маълумотлар бўйича кўрсатилган ишларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	020	Бирлик	
Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларида назарда тутилган ишчи ўринларида банд бўлган барча ходимларга тўланган йиллик иш ҳақи суммаси	030	Сўм	
Ўтказилиши лозим бўлган сумма (ҳисоб-китобнинг 030-сатри x 0,03 x 0,6)	040	Сўм	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган	050	Сўм	
Лозим:	060		
Қўшимча тўланиши	061	Сўм	
Камайтирилиши	062	Сўм	

* Ҳисобот йилида бир мартаба, 20__ йилнинг 15 январига қадар тақдим этилади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик шахслар-
нинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатла-
ри бўйича тўловларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СТИР 0 1 - варақХужжат тури / Ҳисобот даври: ой Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти
тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсиялар
тўлови харажатларини қоплаш бўйича маблағ тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг _____
тўлиқ номи _____Ишловчилар сони Киши Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси

Юридик манзили _____

Почта манзили _____

Юқори ташкилот _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк реквизитлари _____

(код) Телефон: рақами Ўлчов бирлиги СўмҲисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади

(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу ҳисоб-китоб
СТИР <input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта
Бош бухгалтер	орқали <input type="checkbox"/> орақали _____
СТИР <input type="text"/>	<input type="text"/> варақда тақдим этилди
Ф.И.Ш. _____	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Имзо _____	этилган сана _____
Сана <input type="text"/>	Ф.И.Ш. _____
(кун/ой/йил)	Имзо _____

М.Ў.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

0	2
---	---

 - варақ

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат
пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг
14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсиялар
тўлови харажатларини қоплаш бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўсиб боровчи яқун билан
Пенсияларни тўлови бўйича харажатларнинг қопланиши бўйича ҳисоблаб ёзилган сумма	010	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	020	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган	030	
Лозим:	040	
Қўшимча тўланиши	041	
Қамайтирилиши	042	
Ўтган ҳисоботга асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	050	

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик шахслар-
нинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатла-
ри бўйича тўловларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

СТИР 0 1 - варақХужжат тури / Ҳисобот даври: ой чорак Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг
15-моддасига мувофиқ меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари
бўйича тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича
маблаг тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг
тўлиқ номи _____Ишловчилар сони Киши Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси

Юридик манзили _____

Почта манзили _____

Юқори ташкилот _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк реквизитлари _____

(код) Телефон: рақами Ўлчов бирлиги СўмҲисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

га тақдим этилади

(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу ҳисоб-китоб
СТИР <input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали орқали
Бош бухгалтер	<input type="text"/> варақда тақдим этилди
СТИР <input type="text"/>	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Ф.И.Ш. _____	этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Имзо _____	(кун/ой/йил)
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Ф.И.Ш. _____
(кун/ой/йил)	Имзо _____

М.Ў.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

0

2

- варақ

**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги
Қонунининг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда
майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини
қоплаш учун тўланган маблағ бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ
(микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўсиб боровчи яқун билан
Меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлашга ҳисобланган харажатларни қоплаш суммаси	010	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	020	
Ўтган ҳисоботга асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	030	

Раҳбар

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

0	3
---	---

 - варақ

**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги
Қонунининг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда
майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини
қоплаш учун тўланган маблағ бўйича
ХИСОБ-КИТОБ
(микрофирмалар ва кичик корхоналар учун)**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўсиб борувчи яқун билан
Меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлашга ҳисобланган харажатларни қоплаш суммаси, шу жумладан:	010	
ҳисобот чорагининг биринчи ойи учун	011	
ҳисобот чорагининг иккинчи ойи учун	012	
ҳисобот чорагининг учинчи ойи учун	013	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси, шу жумладан:	020	
ҳисобот чорагининг биринчи ойи учун	021	
ҳисобот чорагининг иккинчи ойи учун	022	
ҳисобот чорагининг учинчи ойи учун	023	
Ўтган ҳисоботга асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	050	
ҳисобот чорагининг биринчи ойи учун	051	
ҳисобот чорагининг иккинчи ойи учун	052	
ҳисобот чорагининг учинчи ойи учун	053	

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик шахслар-
нинг давлат ижтимоий сугуртаси харажатла-
ри бўйича тўловларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Ташкилот штампи

_____ бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
_____ бўйича
(ташкilotнинг тўлиқ номи)

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг
туман (шаҳар) бўлимининг **штампи ёки**
белгиси

Банк реквизитлари _____
(банк номи, МФО, ҳисобварақ рақами)

Олинди _____
(бюрогманомани қабул қилган ходимнинг имзоси)

СТИР

Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони, _____
шу жумладан, аёллар: _____

**20 _____ йил _____ учун харажатларни тўлашга
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобига маблағларни олишга
ТАЛАБНОМА***

Т/р	Кўрсаткичлар	Пенсиялар, нафақалар, компенсация- ларни олувчилар сони	Меҳнатга лаёқатсизлик- нинг ҳақи- қатдаги кун- лари сони	Ҳақиқат- даги хара- жатлар (сўмда)
1	2	3	4	5
1.	Ишловчи пенсионерларга пенсия шу жумладан:			
	а) 100% олувчиларга			
	б) 50% олувчиларга			
2.	Бола туғилганда бериладиган нафақалар			
3.	Дафн этиш маросими учун нафақалар			
4.	16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота- оналарига қўшимча дам олиш кунлари ҳақи- нинг тўланиши			
5.	Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича берила- диган имтиёзлар ўрнига (бундан бюджет таш- килотлари мустасно) компенсация пул тўлов- ларининг тўланиши			
	Шу жумладан, қуйидагиларни олувчиларга:			
	а) энг кам иш ҳақи миқдорининг 45%ини			
	б) энг кам иш ҳақи миқдорининг 18%ини			
	ЖАМИ:			

* Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар муддатда Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий сугуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4а-илловасидаги шакл бўйича реестр мажбурий илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Ташкилотнинг раҳбари _____

(имзо)

Бош бухгалтер _____

(имзо)

М.Ў.

Ижтимоий сугурталаш бўйича комиссия раиси
(ваколатли вакили) _____

(имзо)

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
4а-ИЛОВА

Ташкилот штампи

_____ бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
_____ дан
(ташкилотнинг тўлиқ номи)

СТИР _____

**20__ йил _____ да бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармасидан маблағ олиш учун ташкилотнинг ходимлари
РЕЕСТРИ**

Т/р	Ф.И.Ш.	Жамга- риб бо- рилади- ган шахсий пенсия ҳисобва- рағининг тартиб рақами*	Хужжат номи**	Хужжат рақами ва серияси	Хужжат берил- ган сана	Ким томо- нидан берил- ган	Имтиёз тури	Тўлов фоизи	Тўлов миқдори (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	Ишлайдиган пенсионерларнинг пенсияси								
1.									
2.									
	ЖАМИ:								
	Бола туғилганда бериладиган нафақалар								
1.									
2.									
	ЖАМИ:								
	Дафн маросими нафақалари								
1.									
2.									
	ЖАМИ:								
	16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун тўлов								
1.									
2.									
	ЖАМИ:								
	Уй-жой ва коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари тўлови (бюджет ташкилотларидан ташқари)								
1.									
2.									
	ЖАМИ:								
	ҲАММАСИ	x	x	x	x		x	x	

Изоҳ: * жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварагининг тартиб рақами кўрсатилиши шарт;
 ** ҳужжат номи (пенсия топшириқномаси (шакл-25), касаллик варақаси, ФХДЁ маълумотномаси, 16-ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун ташкилотнинг буйруғи, ойлик компенсация олувчиларга имтиёз берувчи гувоҳнома).

Ташкилот раҳбари

(имзо)

М.Ў

Бош ҳисобчи

(имзо)

Ижтимоий сугурта бўйича
комиссия раиси (ваколатли вакил)

(имзо)

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик шахслар-
нинг давлат ижтимоий сугуртаси харажатла-
ри бўйича тўловларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Ташкилот штампи

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма-
сининг туман (шаҳар) бўлимининг
штампи ёки белгиси_____ бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар)
бўлимига

(ташкилотнинг тўлиқ номи)

бўйича

Олинди _____

БХУТ бўйича КТУТ бўйича ХХТУТ бўйича МҲОБТ бўйича ДБИБТ бўйича МШЧ бўйича СТИР _____

**20__ йилнинг _____ ойида бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси ҳисобидан маблағларнинг сарфланиши тўғрисида
ҲИСОБОТ**

Т/р	Моддалар номи	Олувчилар сони (бирлиги)	Ҳисобот чораги учун (минг сўм)	Ортиб борувчи яқун бўйича (минг сўм)
1.	Ишловчиларнинг рўйхатдаги ўргача сони (бирлиги)			
1.1.	шу жумладан, аёллар			
2.	Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, жами Шу жумладан:			
2.1.	а) 100% миқдорда олувчилар			
2.2.	б) 50% миқдорда олувчилар			
3.	Бола туғилганда бериладиган нафақалар			
4.	Дафн маросими нафақалари			
5.	16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналари- дан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қў- шимча дам олиш куни учун тўлов			

Т/р	Моддалар номи	Олувчилар сони (бирлиги)	Ҳисобот чораги учун (минг сўм)	Ортиб борувчи якун бўйича (минг сўм)
6.	Уй-жой ва коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари тўлови (бюджет ташкилотларидан ташқари)			
	Шу жумладан:			
	а) энг кам иш ҳақининг 45% миқдоридан олувчилар			
	б) энг кам иш ҳақининг 18% миқдоридан олувчилар			
7.	Жами харажатлар			
8.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан маблағлар олинган:			
	қўшимча тўловга			
	камайтиришга			

Ташкилот раҳбари

(имзо)

М.Ў.

Бош ҳисобчи

(имзо)

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

_____ бўйича
(ташкилотнинг тўлиқ номи)

Банк реквизитлари ҳ/в

МФО

СТИР

Ўзаро ҳисоб-китобларни СОЛИШТИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____

Биз, қуйида имзо чекувчилар, _____ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими вакиллари

(Ф.И.Ш., лавозими)

ва _____ вакиллари

(ташкилотнинг тўлиқ номи)

мазкур далолатномани 20____ йил _____ ҳолати бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш амалга оширилганлиги тўғрисида туздик.

Бунинг натижасида қуйидагилар аниқланди:

Ўзувлар мазмуни	_____ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимининг ҳисоб ўзувлари асосида		_____ ҳисоб ўзувлари бўйича (ташкilotнинг номи)	
	дебет	кредит	дебет	кредит

_____ фойдасига 20____ йил _____ га сальдо _____ сўм _____ тийинни ташкил қилади.

_____ вакил
(бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимининг номи)

М.Ў.

Лавозими _____
(ф.и.ш.)

_____ (имзо)

_____ вакил
(ташкilot номи)

М.Ў.

Лавозими _____
(ф.и.ш.)

_____ (имзо)